



O'zbekiston Milliy axborot agentligi
O'zA Ilm-fan bo'limi

Elektron jurnal
2025-yil may soni №5 (67)

Toshkent-2025

O‘ZBEKISTON MILLIY AXBOROT AGENTLIGI – O‘ZA ILM-FAN BO‘LIMI (ELEKTRON JURNAL)

Ilmiy nashr
2025-yil may oyi soni №5 (67)

O‘zbekiston Respublikasi OAK Rayosatining 2019-yil 28-martdagi 263/7.1 va 263/7.4-son qaroriga binoan tashkil etilgan.

Elektron jurnalga kelgan maqolalarga javob qaytarilmaydi, jurnalda e’lon qilingan maqolalardan olingan parchalar O‘za Ilm-fan bo‘limi (elektron jurnal)dan olindi, deb ko‘rsatilishi shart.

Elektron jurnalga bir yarim oraliqdagi materiallar “Microcoft Word” redaktori, “Times New Roman” shriftida elektron versiya shaklida qabul qilinadi.

Tahrir kengashi

A.Ko‘chimov
A.Asqarov
D.Yu.Yusupova
A.X.Saidov
T.O‘.Aripova
Q.R.Allaev
S.M.Turobjonov
Sh.T.Qudratxo‘ja
N.A.Husanov
N.K.Achilov
G.A.Mardonova

Q.Sh.Omonov
A.S.Sagdullaev
S.S.G‘ulomov
F.G.Nazirov
R.D.Kurbanov
M.H.Rustamboev
N.M.Mahmudov
I.S.Saifnazarov
N.X.Oblomurodov
N.N.G‘afforov

Manzilimiz: Toshkent sh., 100000, Buyuk Turon ko‘chasi 42-uy
Tel: (+99871) 233-09-21; (+99899) 833-62-71

Falsafa

САЙФИДДИН БОХАРЗИЙ ТАЪЛИМОТИДА ИШҚ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ФАЛСАФИЙ-АХЛОҚИЙ ТАЛҚИНИ

Малика Файзуллаевна НОРОВА

Доцент

Бухоро давлат университети

Бухоро, Ўзбекистон

e-mail: norova.83@list.ru

Аннотация

Ушбу мақолада Аллоҳга ишқ мавзуси ва тасаввуфнинг ривожланиш босқичлари кўрсатиб ўтилган. Абу Али ибн Синонинг “Рисола фил ишқ”, Сайфиддин Бохарзийнинг Аллоҳга ишқ мавзулари, комил инсон масалалари ёритилган. Дўстга муносабат, ахлоқий масалалар ҳам матнда ўз аксини топган.

Таянч сўзлар: ахлоқ, маданият, жамият, фалсафа, ишонч, қаноат, олижаноблик, сахийлик, ҳалоллик, адолат, сабр, комил инсон, дўстлик, садоқат.

КОНЦЕПЦИЯ ЛЮБВИ И ЕЕ ФИЛОСОФСКО-ЭТИЧЕСКАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ В УЧЕНИИ САЙФИДДИНА БОКАРЗИ

Малика Файзуллаевна НОРОВА

Доцент

Бухарский государственный университет

Бухара, Узбекистан

e-mail: norova.83@list.ru

Аннотация

В данной статье рассматривается тема любви к Аллаху и этапы развития суфизма. Рассматриваются «Трактат о любви» Абу Али ибн Сины, любовь Сайфиддина Бохарзи к Аллаху и вопросы совершенного человека. В статье отражены отношение к другу, моральные проблемы.

Ключевые слова: этика, культура, общество, философия, доверие, удовлетворенность, благородство, щедрость, честность, справедливость, терпение, совершенный человек, дружба, верность.

Аллоҳга ишқ ривожланиш тарихига эътибор қаратадиган бўлсак, бевосита тасаввуф ривожланиш босқичларига назар солишимиз керак. Чунки Ҳаққа етишиш йўли бу тасаввуфдир. Тасаввуф Шарқ маънавий оламида муҳим ўрин эгаллаган ва маълум босқични босиб ўтган тадрижий тараққиётга эга. Тасаввуф Шарқда VIII аср ўрталарида пайдо бўлди. Шарқда бу зоҳидлик кўринишида бўлган.

Тасаввуфни қисқача қилиб илоҳий ишқ ҳақидаги илм деса ҳам бўлади. Бу илмни

назарий, ақл ва тафаккурий билим билан эмас, балки ботиний тафаккур, яъни муҳаббат асосида эгалланади.

Тасаввуфда ҳақиқий солиқ – бу Аллоҳ йўлида ошиқ бўлган солиқдир. Тасаввуфда “муҳаббат” ва “ишқ” сўзлари бир маънода ишлатилади. Булар арабча қалбнинг маҳбуб томон интилиши мазмунини англатади.

Шарқ адабиётида Аллоҳга ишқ тўғрисидаги рисолалар ҳам мавжуд. Қомусий олим Абу Али ибн Сино (980–1037) томонидан “Рисола фил ишқ” (Ишқ ҳақида рисола) асари бунга мисол бўла олади [1]. Абу Али ибн Сино Абдуллоҳ ал-фақиҳ ал-Маъсумийнинг илтимосига асосан “Ишқ ҳақида рисола” асарини ёзди. Бу асар етти қисмдан иборатдир. Булар:

1. Энг кичик зарраларга тегишли бўлган ишқ.
2. Оддий жонсиз мавжудотлар (маъданлар)га хос бўлган ишқ.
3. Ўзларига хос миқдордаги озикланиш қувватига эга бўлган мавжудотлар (ўсимликлар) ишқи.
4. Ўзига хос тириклик меъёрига эга бўлган ҳайвоний руҳ, жавҳар эгалари севгиси ҳақидаги ишқ.
5. Ўзига хос тириклик меъёрига эга бўлган ҳайвоний руҳ, жавҳар эгалари севгиси.
6. Ёш, ёрқин, гўзал хилқатларнинг ишқи ҳақида.
7. Аҳли диллар ишқи ҳақида.
8. Хулосалардан иборат.

Ибн Сино “Рисола фил-ишқ” асарида илк маротаба “илоҳий ишқ” тушунчасининг фалсафий талқинини берар экан, “тажаллий” тушунчасини шундай изоҳлайди: “Агар Мутлақ эзгулик тажаллий этмаганида, ундан ҳеч нарса олиб бўлмасди. Ундан ҳеч нарса олиб бўлмаганда эса ҳеч нарса мавжуд бўлмайди. Шундай қилиб, агар Унинг тажаллийси бўлмаганида, борлиқнинг ўзи ҳам булмасди; демак, Унинг тажаллийси бутун борлиқнинг сабабчисидир. Олий зотга бўлган ишқ қанчалик Унинг улуғлиги учун бўлса, ишқ ҳам шунчалик улуғвор бўлади. Унга бўлган севгининг ҳақиқий манбаи унинг тажаллийсидадир” [2]. Ибн Синонинг “Ҳай ибн Яқзон”, “Рисола фит-тайр”, “Рисола фил-ишқ” ва “Ишорот ва танбеҳот” каби асарларида илоҳий ишқ ва ирфоний тафаккур масалалари очиб берилган.

Ибн Сино ҳажм жиҳатидан кичик, лекин мазмунан жуда кенг қўламли бўлган “Ишқ ҳақида рисола” асарида Форобийнинг фалсафий қарашларини янада ривожлантириб, табиатдаги жамики мавжудотларнинг озикланиш, ўсиш, ҳаракатланиш, интилиш ва хавф-хатардан сақланиш, жон, нафс, руҳ қувватлари асосида ҳаётга муҳаббат, ёруғликка, гўзаликка, заминга меҳр, ўз умрини авлодлари орқали абадий давом эттиришга, вайронликка эмас, балки ўсишга, гуллаб-яшнашга интилиш қонунияти амал қилишини теран фалсафий мушоҳадалар билан далиллаб беради.

Сайфидин Бохарзий ҳам ишқ, қалбнинг моҳияти масалалари тўғрисида ўзининг “Воқеоти хилват” асари ва “Рубоӣёти Шайхул Олам Сайфиддин Бохарзий” асарида комил инсон қалбининг ниҳоятда пок бўлиши масалалари ҳақида фикр юритади. Унинг қуйидаги рубоӣйсида инсон камолоти учун энг зарурий ҳолат ишқ эканлиги ва бу ишқ макони фақатгина покиза қалб бўла олиши кўрсатилган.

لَدِ دِيَا رَاگَزاسد قشءم غاب رگ

ل د ديا راوسد ماہ ماہ بکرم رب
قشء دزاسدن طو اجک دویزلد رگ
ل د ديا راہ ماہ دشاہن قشء رو

Мазмуни:

Ишқ ғами билан дил(қалб) ғами агар уйғун келса,

Кўнгил ўз истаги маркабига минган бўлади .

Гар қалб бўлмаса, ишқ қаерни ватан қилади?!

Агар ишқ бўлмаса, қалб нима учун керакдир [3].

Рубоийнинг бу мисралари орқали Сайфиддин Бохарзий қалб моҳиятини очмоқда. Қалб араб тилидан олинган сўз бўлиб, юрак, дил, ўрталик, марказ деган маънони англатувчи диний-тасаввуфий тушунчадир. Қуръони каримда қалб сўзи 109 ўринда (жойда – 13 жойда қалб, 96 жойда қулуб тарзида) учрайди. Тасаввуфда қалб инсоннинг асл ҳақиқатларини англаб оладиган, иймон ва тақводорлик хислатлари жо бўлган муқаддас бир мोकон сифатида тавсифланади.

Сайфиддин Бохарзий устози Нажмиддин Кубронинг айтишича, қалб калимасининг луғавий мазмуни бирор нарсанинг шакл ва маъно жиҳатидан ўртаси, асосидир. Истилоҳий маъноси эса чап кўкракнинг пастидаги жом гўзаллигига ўхшаш гўшт парчаси “қалби сановбарий бўлиб, шу гўшт парчаси руҳнинг манбаи ҳисобланур”. Шунингдек, қалб дейилганда раббоний ва руҳоний латифлик ҳам тасаввур этилган. Ибн Арабийга кўра қалб “нафси нотиқа билан руҳ орасида жой олган нуроний бир жавҳардир. Унинг ичи руҳ, суворийси эса нафси ҳайвонийдир”.

Қалб фақат покланишдан, ҳаво ва ҳавас пардалари ва дунёвий ақлнинг таъсиридан халос бўлгач, завқий идрок ҳамда илоҳий ишқнинг марказига айланади. Тасаввуф аҳли қатори Сайфиддин Бохарзий наздида қалб илоҳий хитоб, кашф ва илҳом жойи тажаллий ойнаси, илоҳий кенглик еридир.

“Китоби рисолаи ишқ” (Ишқ рисоласи китоби). Сайфиддин Бохарзийнинг бу асари 1387 йил Ирожи Афшор томонидан форс тилига таржима қилинган. Асарнинг бизнинг қўлимиздаги нусхаси 13 бетдан иборат. Ушбу асар Имом Ғаззолийнинг укаси Аҳмад Ғаззолийнинг “Фавониҳ ул-Ушшоқ” (Ишқ метафизикаси) асарига шарҳ сифатида ёзилган. Асар инсоннинг Аллоҳга бўлган муҳаббати тўғрисида бўлиб, муаллиф бу тўғрида шундай дейди: “Аллоҳга муҳаббат барча нарсани У зотга ҳиба, яъни тортиқ қилишдан иборатдир. Ундан сенга ҳеч нарса қолмайди. Бундан мурод иродангни, азмингни, ишларингни, нафсингни, молингни ва вақтингни ўзинг муҳаббат қўйган зотга топширмоқдир. Уларнинг барчаси У зотнинг розилиги учундир. Улардан ҳеч нарсани ўзингга олиб қолмайсан. Фақат У зот Ўзи берганини оласан. Аллоҳ таолонинг муҳаббати мақомотларнинг энг олийсидир. Шавқ, унс ва ризо каби кейинги мақомотлар ушбу мақомнинг самараларидир. Тавба, сабр ва зуҳд каби олдин келадиган мақомотлар бу мақомнинг муқаддималаридир [4]. Бохарзий Мовароуннаҳр тасаввуфига “ишқ” мавзусини олиб кирган сўфийлардан ҳисобланади. Сайфиддин Бохарзий бундай ишқни қуйидаги мисраларда акс эттиради:

؟ تسيچ ريسفت ارت قشء لكشم

؟ تسيچ رييعت ارم يادوسد باوخ

Мушқули ишқи туро тафсир чист?

Хоби савдойи маро таъбир чист? [5]

Мазмуни:

Сенга бўлган ишқнинг тафсири қандай?

Менинг савдойи тушларимнинг таъбири қандай?

Умуман Шарқ адабиётида шунга ўхшаш Аллоҳга ишқ тўғрисидаги рисолалар ҳам мавжуд. Сайфиддин Бохарзий Мовароуннаҳрда Калободий (вафоти: 990 ёки 995 й.) таърифлаб берган мумтоз тасаввуфдан [6] фарқли, тасаввуф таълимоти назариясига “ишқ” мавзусини олиб кирди. Бунга далил унинг “Китоби рисолаи ишқ”, рубойлари ва зикр мажлислари баён этилган “Китоби шарҳи асмо ал ҳусна” асаридир. Бу асарлари билан кубравиядаги мавжуд бўлган ишқ ғояларини назарий ривожлантириб, бу тариқатни ҳақиқий ошиқона йўлга айлантирган.

Сайфиддин Бохарзийнинг “Китоби шарҳи асмо ал ҳусна” (Аллоҳнинг гўзал исмларининг шарҳи китоби), “Китоби аврод” (Аврод китоби) ва “Китоби рисолаи ишқ” (Ишқ рисоласи китоби) асарларидаги ғоялари таҳлили асосида олам ва одам ҳақидаги масалалар ёритилиб, олами арвоҳ ва олами ажсом тушунчалари тавсиф ва тасниф этилди. Шунингдек, бу фикрларни асослашда “Рубоиёти Шайхул Олам Сайфиддин Бохарзий” (Шайхул Олам Сайфиддин Бохарзий рубойлари), “Китоби рисолаи ишқ” (Ишқ рисоласи китоби) асарларига ҳам таяниб иш тутилди. Таҳлил этиш жараёнида борлиқ-йўқлик, бор-йўқ, фоний-боқий, абадий-ўткинчи, зоҳир-ботин каби тушунчалар фалсафий таҳлил этилган.

Маълумки, фалсафада билиш масалаларини мазкур фаннинг гносеология қисми ўрганади. Мутафаккирнинг билишга оид фикрлари тадқиқотимизда “Рубоиёти Шайхул Олам Сайфиддин Бохарзий” (Шайхул Олам Сайфиддин Бохарзий рубойлари) асари асосида ёритилди. Қолаверса, “Рисолаи васиёи Бохарзий” (Бохарзий васиятлари рисоласи) асаридаги ўғитларда ҳам шу мавзуга оид фикрлар таҳлил этилган. Унда илм ва амал, олим ва жоҳил, қалб, қалб кўзи, билиш жараёнида ишқнинг ўрни каби масалаларни ёритилган.

Сайфиддин Бохарзий рубойларида мард кишиларни танасини хумга ўхшатади ва унинг ичини илоҳий ишқ тўла вужуд билади, улар илоҳий ишқдан соф, пок ҳолатга келади. Риё, манфаат, фойда, мол-дунёлар ўртадан кўтарилади. Шунинг учун илоҳий ишқ билан пок бўлган инсон ҳеч қачон мастлик ҳолатига тушмайди деган фикрларни илгари суради.

تسود لد لائم قيقحت به تسبا

تسوكين شلائم مك رطاخبراديم

چيه وتز درادن لاهذ دود فاصد رگ

تسورد مچره دود ن لاهذ دود مريت رو

Мазмуни:

Дўстнинг қалби ҳақиқатда олганда сувдир.

Хотирангга сақлагинки, у жуда яхшидир.

У агар соф бўлса сендан бирор нарсани яширмайди,

Ва агар тоза бўлмаса, у ўзидаги барча нарсани яширади [7].

Биринчи мисрада Сайфиддин Бохарзий чининсон қалбини тоза сув каби шафоф бўлишини таъкидлайди. Инсон учун сувнинг ўрни қанчалик муҳим бўлса, дўстнинг ҳам

инсон ҳаётидаги ўрни шу даражада муҳимлигини айтиб, ҳақиқий дўст қалбини шаффоф сувга ўхшатади. Бундай дўст билан суҳбат қурган ҳар бир киши пок сувга ювинганидек тоза ва соф бўлишини айтади. Сувсиз ҳаёт бўлмагани каби соф қалбли дўстсиз ҳаёт мазмуни бўлмайди.

Иккинчи мисрада Бохарзий яхши дўстни ҳеч қачон эсдан чиқармаслиқни таъкидлайди. Чунки, яхши дўст ҳар замонда ҳар маконда асқотган.

Муайян бир шахснинг камолотида атрофдагиларнинг, жумладан, дўстнинг ҳам ўз мавқеи бўлади Шунинг учун ҳам халқ ўртасида “Дўстинг қандайлигини айт, мен сенга таъриф бераман” деган нақл ҳамон “яшаб келмоқда”. Чанқаган инсон сувдан баҳра олгани каби яхши дўстдан нафақат инсон, балки жамият равнақ топади.

Рубоийнинг иккинчи мисрасида қалби тиниқ сув каби бўлган дўстни хотирада доимий сақлаш лозимлиги алоҳида уқтирилади. Бу билан Сайфиддин Бохарзий комил инсонга хос ахлоқий сифатларидан бири кучли хотира эканлиги ва шу хотирада садоқатли, яхши дўстларни сақлаш масаласини илгари сурган. Унинг бу қараши устози Нажмиддин Кубронинг хотирани поклаш хотиранинг беш қисм (хавотири ҳақ, хавотири қалб, хавотири малак, хавотири шайтон, хавотири нафс)дан иборат деган фикрлари билан уйғунлашади.

“Аҳмад Яссавийнинг фикрига кўра, барча мавжудот тўртта унсурдан: олов, сув, ҳаво ва тупроқдан ташкил топган. Инсоннинг жами яхши фазилатлари ва ёмон иллатлари ўша тўрт унсурга боғлиқдир. Ҳаво ва оловда дўзахий хислат мавжуд бўлса, тупроқ ва сувда ижобий фазилатлар мавжуддир. Хусусан, кишидаги манманлик, кибр сингари хусусиятларда дўзахга хос оловнинг таъсири бор. Олов инсонни ўз ишида куйдириб, Ҳақдан узоқлаштиради. Охир-оқибатда бу “ишқ” кибрга олиб келади. Одамлардаги енгилтаклик ҳаво билан боғлиқ. Сув ва тупроқ ўзида эзгуликни уйғунлаштиради. Худди шу сабабдан инсондаги энг яхши фазилатлар сув ва тупроқ билан алоқадор бўлади” [8].

Сайфиддин Бохарзийнинг инсон ва тўрт унсур ҳақидаги ғоялари илдизи Зардуштийлик таълимотига бориб тақалади. Зардуштийлик таълимотининг асосий муаммоси ҳам олам ва одамнинг ўзаро бир-бири билан алоқаси, одамнинг инсонийлик даражаларини кўрсатувчи белгилар таҳлилига боғлиқ. Бу таълимотга мувофиқ инсон борлиғи олам борлиғи билан алоқадордир. Мазкур таълимотга кўра олам борлиғи тўрт унсур (чор унсур), яъни ҳаво, сув, тупроқ, оловдан таркиб топган. Шу тўрт унсур борлиқнинг мураккаб шаклларида бири бўлган одамнинг табиати билан боғлиқ. Зардуштийлик динида шу тўрт унсур доимо муқаддас ҳисобланган. Зардуштийлик таълимотига мувофиқ инсон ва табиат ўртасида ўзаро алоқадорликка путур етказмаслик керак. Бу таълимотга кўра ер, сув, ҳавони булғаш катта гуноҳ, деб қаралган. Ҳатто сувга тупурган киши учун ўлим жазоси белгиланган. Зардуштийлик таълимотига кўра, инсоннинг мизожи олам борлиғидаги тўрт унсурга бевосита алоқадор. Вазмин, босиқ инсонларни “ҳоксор” тушунчаси билан аташ, ғайратли, шижоатли кишиларни “жўшқин”, “тошқин”, “қайноқ қон”, деб баҳолаш ёки енгилтак кишиларни “ҳавойи” деб аташ қадимдан қолган удумлар саналади. Одамзод тупроқдан вужудга келиб, тупроққа қайтиши лозим, деган нуқтаи назар зардуштийлик таълимотидаги асосий қарашлардан бири эди. Одам вафотидан сўнг уни тупроққа қайтариш учун, дастлаб, инсон танасидаги гўшти суягидан ажратиш керак, деб қаралган. Чунки инсон гўшти ҳаром ҳисобланиб,

муқаддас тупроқни булғаши мумкинлиги айтилган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Сино, Абу Али. Ишқ ҳақида рисола /Маҳкам Маҳмуд, Зайниддин Баҳриддиновлар таржимаси. Хуршид Даврон кутубхонаси. <https://kh-davron.uz/yangiliklar/abu-ali-ibn-sino-ishq-haqida-risola>. davron.uz
2. Абу Али ибн Сино. Ишқ ҳақида рисола. / Маҳкам Маҳмудов ва Зайниддин Баҳриддиновлар таржимаси. / kh-davron.uz 03.01.2018.
3. 76. فيس تايغابر يولهد ريسا لداء :جىحصت و همجرت يزرخاب نيدلا فيس ملاعلا خيش. 1396 ةي ابىد. ص 76
رشنى لهد ،يزرخاب نيدلا
4. 89. قشء ملاسر باتك يزرخاب نيدلا فيس ..راشفا جريا :جىحصت ص ص 1396 ،ةي ابىد رشن :ن ارهت.
5. 91. ..راشفا جريا :جىحصت قشء ملاسر باتك يزرخاب نيدلا فيس ص ص 1396 ،ةي ابىد رشن :ن ارهت.
6. Раҳимов К. Мовароуннаҳр тасаввуфи тарихи: таълимотнинг шаклланиши ва тизимлаштирилиши (VIII-XI асрлар). – Тошкент: Академнашр, 2020. – 400 б.
7. 64. كېكلم رشن ،ى لهد تايغابر ،يولهد ريسا لداء ،يزرخاب نيدلا فيس :ن ارهت. هي ابىد رشن. 1396 ص 64
وپد
8. Чориев А. Инсон фалсафаси. 1 китоб. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти, 2007. – 241 б.



O'zbekiston
Milliy axborot
agentligi



MUNDARIJA

Innovatsion g'oya va ishlanmalar

I.YOQUBOV. Istiqlol davri o'zbek romanlarida badiiy tasvir va poetik ifodadagi yangilanishlar	3
--	---

Iqtisodiyot

Ш.Н.МУРАТОВА. Божхона мақсадларида товарларни идентификациялаш ва таснифлаш амалиётини такомиллаштиришнинг	8
истиқболли йўналишлари	
G.Sh.NAMAZOV. Sun'iy intellekt texnologiyalarining zamonaviy iqtisodiyotdagi roli va rivojlanish istiqbollari	15
О.Ш.КУВАТОВА, М.Б.ХУСЕНОВ. Обеспечение экономической стабильности: укрепление кибербезопасности в Узбекистане на основе практики развитых стран	22
T.N.TO'XTARALIYEV. Kichik biznesda "yashil" iqtisodiyotning tutgan o'rni va ahamiyati.....	30
Ю.Б.МАХМУДОВА. Финансирование зеленой экономики: механизмы и перспективы в Узбекистане.....	37

Yuridik

А.А.СУЛТОНОВ. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш –конституциявий ҳуқуқларни таъминлаш кафолати.....	43
А.О.КАЛДАРБЕКОВ. Нормативно-правовая база регулирования земель лесного фонда в Казахстане и Узбекистане	51
А.Н.БАЙТУРОВА. Правовая база экотуризма и устойчивого природопользования в Казахстане и Узбекистане	57
S.I.SHOMURODOV. Sun'iy intellektning huquqiy maqomi va zamonaviy yondashuvlar	64
Sh.E.ERGASHOVA. Sun'iy intellekt mahsulotlariga mualliflik huquqini tatbiq etishda vositachilik modelining ustunliklari	73

Filologiya

Г.А.МАРДОНОВА. Ўзбек никоҳ тўйи маросими фольклорининг образ ва тамсиллари генезиси таҳлили.....	79
Д.М.ЮЛДАШЕВА. Взаимосвязь языка и культуры в работах Э.Сепира.....	87
X.T.MIRZAYEV. XV-XVI asrlarda yaratilgan aruz ilmiga doir risolalarning qiyosiy tahlili (“Risolai aruz” va “Chahor gulzor” asarlari misolida).....	91
F.B.ISMOILOVA. Ilmiy va badiiy manbalarda Beruniy obrazi (Baxtiyor To‘rayevning “Beruniy – insoniyatning buyuk mutafakkiri” asari va Isajon Sultonning “Abu Rayhon Beruniy” romani asosida)	97
М.И.СУЛАЙМАНОВА. Ўзбек ва қирғиз фольклорида дoston жанри ва унинг назарий талқинлари	102
С.ДОНИЁРОВ. Медиага технологияларни интеграциялашнинг замонавий имкониятлари ва уларнинг ОАВ самарадорлигини оширишдаги роли.....	107
М.НУРУТДИНОВА. Сунъий интеллект технологиялари фаолиятидаги ўзига хос тараққиёт тенденциялари	114
U.TADJIYEVA. O‘zbek xalq maqollarining tasnifi va semantik tadqiqi.....	121
K.Sh.IKRAMOVA. Ingliz va o‘zbek adabiyotida ayol obrazi va uning lingvomadaniy konteksti	127
A.X.MURODOVA. “Xursandchilik” konseptini ifodalovchi frazeologik birliklar semantikasi.....	135
I.F.FARHODOVA. Raqamli media sharoitida matbuot erkinligi: O‘zbekiston va xorijiy tajribalar tahlili	143
И.У.ЖЎРАЕВА. Гендер нейробиологиясининг медиадаги талқини ва унинг ижтимоий таъсири	148

Falsafa

М.Ф.НОРОВА. Сайфиддин Бохарзий таълимотида ишқ тушунчаси ва унинг фалсафий-ахлоқий талқини	153
D.M.MIRAKBAROVA. Tatuировkaning kelib chiqish tarixi va uning ilmiy-falsafiy tahlili	159
М.АЧИЛДИЕВА. Ўзбек мусиқа санъати замон ва макон кесимида	165
Sh.X.BUXAROV. Zahiriddin Muhammad Bobur harbiy-diplomatik strategiyasining falsafiy tahlili.....	170

J.X.XOLMIRZAEVA. “Yosh mutaxassis” tushunchasining mohiyati va asosiy xususiyatlari	175
D.J.MAHKAMOVA. Nogironligi bo‘lgan shaxslarni qo‘llab-quvvatlash ijtimoiy davlatning muhim vazifasi sifatida	181
Q.Sh.NURMATOV. Yangi O‘zbekistonda ijtimoiy adolatga bo‘lgan yondashuvning falsafiy tahlili	187

Tarix

H.C.PACUJOBA. Ўзбекистон ССР коммунистик партиясининг мафкурaviy тарғибот фаолиятида матбуотнинг роли	192
J.Q.MAMATOV. Ziyorat shakllari, tipologiyasi, tarixiy va ijtimoiy-madaniy jihatlar.....	199
E.K.ABDULXAYEV. Qatag‘on siyosati qurboni bo‘lgan jadidlar tomonidan tuzilgan asosiy muxolif tashkilotlar tarixi va ularing faoliyati	205

Texnika

M.KOBULOV. Инновационные методы управления логистическими центрами и складскими помещениями	210
Sh.S.TURSUNOV. Maishiy chiqindini bolg‘ali maydalagich yordamida maydalanish jarayonining eksperimental tadqiqoti natijalari	217
S.I.HAMRAYEVA, T.Q.O‘RAZMATOV. Tibbiy tasvirlarni Edge Intelligence asosida dastlabki ishlov berish modellari va algoritmlari.....	223